# QISHLOQ HAYOTI

2004 YIL 27 MAY, PAYSHANBA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 68 (6.749). Sotuvda erkin narxda


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

### С.Бегалиевни Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/12-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Сайдулло Бегалиев Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 25 май.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

### Қ.Ғ.Обидовни Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Қобилжон Ғофурович Обидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 25 май.

# ЭЛ-ЮРТГА ҲАЛОЛ, ВИЖДОНАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Муҳтарам депутатлар!

Авваламбор, бугун сиз, муҳтарам Андижон элининг вакиллари билан дийдор кўришиб хурсанд бўлганимни ва шу имкониятдан фойдаланиб, бутун вилоят аҳлига ўзимнинг ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан мамнунман.

Ҳар доим мана шундай учрашувларда мен одамлардан ҳол-аҳвол сўраш, уларнинг ишлари, кайфиятларидан хабардор бўлиш билан бирга, уларнинг ҳаёт кечириши, ҳаёт ташвиш ва ўзгаришларига муносабатини билишни истайман.

Ҳозирги кунда юртимизда, жумладан, Андижон заминида бўлаётган жараёнларга сизлар қандай баҳо беряпсизлар — нимадан рози, нимадан норозисизлар, нималар сизларни безовта қиляпти, деган масалалар мени биринчи навбатда қизиқтиради, эътиборимни ўзига тортади.

Бунинг сабабини тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман.

Халқимиз бугун белини қаттиқ боғлаб, олдида турган эзгу ният ва марраларга эришиш мақсадида астойдил меҳнат қилаётган бир пайтда нималар, қандай муаммолар йўлимизда тўсиқ бўлиб турганини, барчамизни ташвишга солаётганини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Аввало, бу муаммоларни, ҳаётимизда содир бўлаётган воқеаларни ўртага қўйиб, уларни атрофлича таҳлил қилиб, холисона баҳосини бермасак, зарур ечимини топмасак — ҳаммамизга аён бўлиши керак — бундай ҳолат чуқур илдиз отиб, яхшиликка олиб келмайди.

Худди мана шундай кўз билан қараб, кейинги йилларда Андижон вилояти аҳлининг машаққатли, мардона меҳнати эвазига қўлга киритилган марралар ҳақида, шу билан бир қаторда ҳали ечилмаган, биринчи галда, шу ерда истиқомат қилаётган одамларни ташвишга солаётган муаммолар тўғрисида, учраётган хато ва нуқсонлар, аввало, раҳбарлик лавозимида, мансабда ўтирганларнинг масъулияти ҳақида тўхталиб ўтишга рухсат этгайсиз.

Бугун ҳеч кимга сир эмас, вилоятнинг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги салмоқли ўрни ва аҳамияти, Андижон халқининг ибратли ва фидокорона меҳнати ҳақида кўп гапириш мумкин. Айниқса, вилоят меҳнаткашларининг истиқлол йилларида қўлга киритган катта ютуқларини бугун яна бир бор эслаш, эътироф этиш ўринли бўлади.

Андижон халқининг мамлакатимиз ғалла мустақиллигини таъминлаш, пахтачиликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасини, саноат ва қурилиш, ободончилик, ижтимоий соҳа бўйича амалга ошираётган ижобий ишларини хаёлимиздан ўтказадиган бўлсак, Андижонни Андижон қилган, унинг шуҳратини дунёга тараннум этаётган минг-минглаб заҳматкаш, мард ва фидойи инсонлар кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Қисқа давр ичида, яъни кейинги тўрт-беш йил мобайнида вилоятда ғалла ҳосилдорлиги бир неча баробар ошгани — бу албатта, андижонлик деҳқонларнинг нафақат меҳнат жасорати, айни пайтда ватанпарварлик намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигида янги, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, шу ҳисобидан пахта ҳосилини барвақт йиғиштириб олиш ва юқори навларга топшириш, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, умуман, Андижон деҳқончилик мактабига хос илғор ва самарали тажрибалар бугунги кунда бутун мамлакатимизда оммалашиб бормоқда.

Ҳаммамизга маълумки, ўтган йил деҳқончилик учун ниҳоятда оғир келди. Лекин шундай мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, вилоят пахтакорлари бор имкониятларини ишга солиб, астойдил меҳнат қилганига барчамиз гувоҳмиз.

Ўтган давр мобайнида Андижон вилояти мамлакатимизнинг ўзига хос ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга бўлган йирик саноат минтақасига айланганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бугунги кунда бу ерда нуфузли чет эл фирма ва компаниялари иштирокида ташкил этилган 100 га яқин замонавий қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Айниқса, маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган кўплаб кичик ва хусусий бизнес субъектлари ўз маҳсулотини жаҳоннинг 38 мамлакатига экспорт қилаётгани вилоятнинг саноат соҳасидаги салоҳияти қанчалик юксалганидан далолат беради.

Нафақат вилоят маркази, балки олис туман ва қишлоқларнинг ҳам қиёфаси ўзгариб бораётгани вилоятда ободончилик соҳасида ҳам катта ишлар қилинаётганини кўрсатади. Шулар қаторида ҳозирга қадар 60 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, кўплаб замонавий спорт иншоотлари қурилиб ишга туширилганини бу борадаги салмоқли қадам, деб баҳолаш лозим.

Равон йўллар, шинам турар жойлар, боғ-роғлар, майдон ва хиёбонлар бугун ҳар қандай одамнинг ҳам эътиборини ўзига тортади.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида Андижон мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, миллий тараққиётимизда ўзига хос ва ўзига мос ўрин тутадиган вилоятга айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Мана шу давр мобайнида Андижон аҳли қандай муваффақият ва ютуқларга эришган бўлса, уларни шу элга мансуб бўлган мардлик, изланиш ва тадбиркорлик фазилатлари билан қўлга киритганини, бу юксак марралар фидокорона меҳнатнинг ҳақиқий белгиси ва самараси эканини ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди.

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

# Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг, республика хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа давлат тузилмалари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оилада, жамият ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ўрнини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни танқидий баҳолаб, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва янгиланишлар ислоҳотларнинг мавқеси даражасига кўтариш чора-тадбирларини жорий этсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари - Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг тегишли хотин-қизлар қўмиталари раисларининг вазифаларни тақсимлаш бўйича улар зиммасига юклатиладиган ваколатлар доираси жиддий равишда қайта кўриб чиқилсин ва фаолиятига кенг йўл очиб берилсин.

(Давоми 3-бетда)

## «МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 2004 йил 28 май куни Қозоғистон Республикасининг пойтахти Остона шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.





Яқинда Ҳазорасп тумани марказида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларида меҳнат қилаётган 25 нафар малакали ходим туман аҳолиси ва меҳмонларига намунали хизмат кўрсатмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** мажмуа бунёдкорлари Раим Жуманиёзов, Эркин Рўзимов, Ҳасанбой Мадраҳимовлар; маиший хизмат биносининг умумий кўриниши.

Б.АКРАМОВ олган суратлар.



# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

***25 май куни халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятининг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги салмоқли ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирди. Вилоятнинг юртимиз ғалла мустақиллигини таъминлаш, пахтачиликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, саноат ва қурилиш, ободончилик, ижтимоий соҳа бўйича амалга оширилаётган ижобий ишлари Андижон аҳли меҳнатининг самараси эканини қайд этди.

Вилоятда ғалла ҳосилдорлиги бир неча баробар ошди. Янги, замонавий технологияларни кенг жорий этиш ҳисобига пахта ҳосилини барвақт йиғиштириб олиш ва юқори навларга топшириш имкони пайдо бўлди.

Бугунги кунда вилоятда юзга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатяпти. Вилоят кичик ва хусусий бизнес субъектлари ўз маҳсулотларини жаҳоннинг кўплаб мамлакатига экспорт қилаётир.

Шу билан бирга, вилоятда ҳали ечилмаган, биринчи галда, одамларни ташвишга солаётган муаммолар анчагина. Бу, аввало, раҳбарлик лавозимида ўтирганлар ўз масъулиятини қай даражада ҳис этиб, сезиб ишлаётганига тегишли. Президентимиз ана шулар ҳақида батафсил тўхталди. Мавжуд нохуш ҳолатлар вилоят раҳбарияти фаолиятига холис баҳо бериб, зарур чораларни кўришни талаб этганини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Қобилжон Обидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири лавозимида ишлаб келаётган Сайдулло Бегалиев вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Асака тумани ҳокими Тилаволди Ёқубов, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаззам Шамсибоева, Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги Куйганёр академик лицейи ўқитувчиси Оминахон Омонова, Андижон туманидаги "Усмон ҳожи" фермер хўжалиги раҳбари Абдураҳмон Болтабоев ва бошқалар Юртбошимиз нутқида қўйилган вазифалар барчани янада ташаббускорлик ва масъулият билан ишлашга ундашини таъкидладилар.

**(ЎзА)**

# Чавандоз руҳ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

***Гап шундаки, ихлоси туфайли ўз эътиборига олган салоҳиятли раҳбар Усмон Юсупов мартабасидан мосуво қилиниб, "урилиб" кетгач, унинг ўрнига келган мухолиф каттаконларнинг малайлари турли фитналар, эътиборсизликлар, муваффақиятларини кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олишлар "усули" билан шоир кунини битказдилар. Бу муттаҳамларнинг отини ҳозир ҳеч ким билмайди. Чунки, муттаҳамларнинг фитнаси фош қилиб бўлмайдиган жиноятдир. Бироқ, Партавнинг номи ҳозир ҳам унинг ҳар бир мисрасида қуёшдек чарақлаб турибди.***

**ПУБЛИЦИСТИКА**

Агар мен ҳозир Партав ёки мазкур руҳи пок инсонга монанд, бироқ эҳтимол, кўзга унча ташланарлик бўлмаса-да, ҳалол меҳнат қилиб, ҳаётдан кўз юмган инсонларнинг хотираларига бағишлаб муносиб сўз айта олмасам, худо мени кечирсин. Аллоҳ Таоло томонидан Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилинган Қуръони Каримгина бу илоҳий вазифани мукаммал адо этади. Бироқ, ноумид – шайтон. Бизлар, тил-забон ато этилган одамлар ҳам, бир-бирларимизга хоҳ тирик, хоҳ марҳумлар шаънига бўлсин, муносиб сўзлар айтиш пайида бўлайлик. Чунки, меҳрларимизни изҳор қилишиб турмоқ ҳам илоҳий бурчимиздир. Ва мазкур бурчнинг суръатлироқ адо этилмоғи зарурати муҳим бир жиҳат билан изоҳланади.

**Мени ёд айламакни, чун, унуттинг**
**Унутиб, нетти, гоҳи айласанг ёд,**

деб ёзган эди Алишер Навоий.

Ўлим муқаррар. Одамзод ана шу муқаррарликни енгмоқ учун ҳаёт кечиради. Ана шу ҳаётидан умри узоқроқ эзгуликлар содир қилиш пайида бўлади: қўшиқлар тўқийди, бинолар қуради, кўприклар бунёд этади, қудуқлар қазади... Бироқ унутмаслик, яъни ўзи эришмоқчи бўлган ана шу ғалабага мушарраф бўлиш учун ҳам бир-биримиздан умидвор, бир-биримизнинг олдимизда бурчлимиз. Шунинг учун ҳам бизнинг бу дунёдаги жаннат ва дўзахимиз замондошларимизнинг бизлар тўғримиздаги фикридир.

(Давоми 4-бетда)

**ТАЪЛИМ**

# Замонавийлик - тараққиёт асоси

***Мамлакат мустақилликка эришгандан кейин таълим-тарбияни ривожлантиришга том маънода кенг йўл очилди.***

Айниқса, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётга татбиқ қилина бориб, соҳани жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун ҳуқуқий асослар яратилди. Бу эса ёшларни миллий анъаналар, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитишни янги технологиялар билан таъминлашга асосий йўналиш бўлди.

Ўтган даврда Қорақалпоғистонда ҳам халқ таълими ривожланишига эътибор кучайди, мактаблар, айниқса олис овуллардаги илм масканларини замонавий технологиялар билан таъминлашга киришилди. Бу борада Элликқалъа туманида қилинаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир.

(Давоми 4-бетда)


BANK

**ХАЛҚ БАНКИ**
**сизнинг оилангиз банки**



## "Agrar texnologiyalari"

**Ўзбекистон – Швейцария қўшма корхонаси**

AGRATEX

***Германиядаги "BAYER CROPSCIENCE" компаниясининг дистрибьютери бўлиб, ўсимликларнинг янги, юқори даражали ҳимоя қилиш воситаларини таклиф этади.***

| Препарат номи | Фойдаланиш мақсади | Қадоқланиши |
|---|---|---|
| Байлетон WP 250 | фунгицид | 5 кг |
| Децис ЕС 25 | инсектицид | 1 л |
| Децис ЕС 25 | инсектицид | 0,25 л |
| Атлантис WG | гербицид | 0,6 кг |
| Пума супер | гербицид | 1 л |
| Фоликур ВТ 225 | фунгицид | 25 л |

Ҳақ тўлаш - турлича!

**Бундан ташқари, биз ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига бўлган талабингизни кўриб чиқишга ҳамда бу йилги ва кейинги мавсумларда уларни етказиб бериш юзасидан буюртмалар қабул қилишга тайёрмиз.**

**Мурожаат учун телефонлар: (998-71) 144-30-09, 144-80-24, 23-48-48; факс: 144-29-84**

**Маҳсулот сертификатланган.**


**БАЛИҚЧИЛИК**

# Ҳалол луқмани ҳаром қилмайлик

***Республикамиздаги дарё, канал, кўл ва сув омборларини назарда тутганда тўқсондан зиёд сув ҳавзалари мавжуд. Уларда балиқчиликнинг ривожлантирилиши учун табиий шароит етарли. Аммо...***

2003 йил 13 августда Вазирлар Маҳкамасининг "Балиқчилик тармоғини монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарори қабул қилинди. Сўнг ҳукуматнинг мазкур масалага бағишланган дастури кучга кирди. Шунга қарамасдан балиқ маҳсулотларини ноқонуний овлаш, сотиш ва бошқа қонунбузарликлар тўхтагани йўқ.

Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл-патрул хизмати ходимлари берган маълумотлар фикримизнинг исботидир.

Давлат рақами 30 А 7168 бўлган "ВАЗ-21011" русумли автомашина тўхтатилганида унда 732 килограмм балиқ борлиги аниқланди. Ҳайдовчи Равшанбек Ҳамидов ички ишлар бўлими ходими экан. Буни қаранг, ўзи қонун ҳимоячиси бўлса-ю, ноқонуний ишга қўл урса... Р.Ҳамидовнинг АГЖ 844637 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномасини вақтинча табиатни муҳофаза қилиш инспекциясида олиб қолишга тўғри келди. Чунки қонунбузарлар балиқ маҳсулотини ноқонуний олиб кетаётганлиги учун белгиланган жарималарни тўлашмаган.

(Давоми 3-бетда)

**УзРТСБ** Котировкалар сўм/кг (ўртача нархлар)

ПАХТА ЁҒИ 926,6 ▲ +0,7 | БЕНЗИН (76) 372 ▲ +3,3 | БЕНЗИН (91) 425 ▲ +6,6 | ДИЗ. ЁНИЛ. 205,7 ▲ +1,4% | МАЗУТ 42,3 ▲ -3,4

# Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Боши 1-бетда)

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг энг муҳим вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларни касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, уларнинг социал, ижтимоий-сиёсий фаоллигини давлат қурилиши соҳасидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган умуммиллий сиёсатни рўёбга чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш;

жойларда (оила, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида) миллий-диний анъаналарни тушунтириш ва уларга риоя қилиш, хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, бузғунчи кучларнинг хотин-қизлар онгига таъсир ўтказиш, уларни экстремистик ва террористик фаолиятга жалб этиш йўлидаги уринишларига қарши қаратилган ишларни самарали ташкил қилиш;

хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, бу ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини жамиятни модернизациялаш ва демократик янгилаш жараёнларида, Ўзбекистонда жамият ва давлат қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги ишларга йўналтириш.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига, ўз олдида турган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, республика хотин-қизларининг жамоат ташкилоти сифатида, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг янги таҳрирдаги Низомини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг ишчи аппарати бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 18 кишидан иборат бўлган тузилмаси;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталарининг, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари - тегишли хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ишчи аппаратлари тузилмалари маъқуллансин.

4. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2004 йил 1 июлдан бошлаб фуқаролар йиғинлари кенгашлари аппаратининг тузилмасига тарбиячи-педагог лавозими ўрнига:

ҳудудида камида 500 оила яшайдиган маҳаллаларда;

таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг лавозим маошлари Ягона тариф сеткаси бўйича 5 (қишлоқ жойларда) ва 6 (шаҳарларда) разрядлари даражасида белгилансин.

Маҳаллалар аппарати тузилмасини қайта кўриб чиқиш ва янги штатлар жадвалига мувофиқ янги лавозимлар билан тўлдириш борасидаги масъулият шахсан туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда маҳалла, посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини кенгашларининг раислари зиммасига юклатилсин.

5. Туман (шаҳар) ҳокимликлари:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларига ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўтказа оладиган энг обрўли ва фаол хотин-қизларни тайинласинлар;

қилинган ишларнинг натижалари тўғрисида 2004 йилнинг 1 декабрига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ахборот тақдим этсинлар.

6. Хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг ишини ташкил қилиш борасидаги фаолиятни тартибга солиш мақсадида Адлия вазирлиги (А.Полвонзода) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, унинг жойлардаги бўлинмалари билан биргаликда 2004 йилнинг 1 ноябрига қадар «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хотин-қизларнинг республика ва минтақавий нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш ҳамда қайта рўйхатга олиш бўйича зарур кўмак ва ёрдам берилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (М.Нурмуродов) 2004 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

ушбу Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари ўринбосарлари - тегишли хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ишчи аппаратларига қўшимча равишда киритилаётган лавозимларни;

тарбиячи-педагог лавозимларини тугатиш натижасида бўшайдиган маблағлар ҳисобига фуқаролар йиғинлари кенгашларининг аппаратларидаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларини таъминлашга давлат бюджетидан зарур маблағ ажратилишини кўзда тутсин.

8. Ўзтелерадиокомпания (А.Кўчимов), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Шоғуломов), ЎзА (М.Ҳазратқулов) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишларини таъминлашга қаратилган фаолиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Р.Шоабдураҳмонов) икки ой муддатда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аппаратини жойлаштириш учун бино ажратсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А.Полвонзода) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С.Иномова ва Р.Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 25 май



# Ҳалол луқмани ҳаром қилмайлик

(Боши 1-бетда)

Арнасой туманидаги Улуғбек номли хўжаликда яшовчилар Солиҳа Мустафоева 400 килограмм, Холиса Мустафоева 367 килограмм, Робия Ҳусанова 130 килограмм балиқни ноқонуний йўл билан олиб кетаётганларида ички ишлар бўлими ходимлари томонидан тўхтатилган.

Бу денгиздан томчи, холос. Сабаби, бир сутканинг ичида ўнлаб автоуловлар Тузкон, Айдаркўл ва Арнасой кўлларидан турли тарафларга балиқ ортиб кетишади. Балиқчилик билан шуғулланаётган "уддабурон"лар соҳилнинг ўзида балиқларини кўтарасига пуллаб қўя қолишади. Соҳилда бир килограмм сазан 500, вобла 200-250, дўнгпешона 350, лаққа 600-700 сўм. Балиқлар сохта тадбиркорлар томонидан Чиноз бозорига олиб борилади. Тонг саҳарда шундоққина бозорнинг қаршисидаги магистрал йўл четида балиқ бозори қизийди. Автоуловларда олиб борилган балиқлар "мижозлар"га етказиб берилади. Жиззах вилоятида туманлараро қатновчи автобусларга ҳам тонналаб балиқ ортилади. У ерда балиқнинг нархи минг сўм атрофида. Кир ва ифлос қоплардаги балиқлар ўша ердаги балиқфурушларнинг қўлига ўтади. Улар олган маҳсулотларини алоҳида автоуловлар билан Тошкентга олиб боришади. Қисқаси, тўртта қўлдан ўтган балиқ, шундан кейингина истеъмолчига етиб бориб, қозонга тушади. Бу пайтда тайёр маҳсулот бўлган балиқнинг нархи 2500-2600 сўмга бориб қолади. Соҳилдаги савдода 600 сўм бўлган балиқ деярли тўрт баравар қимматига истеъмолчига етиб бораяпти. Савдодан ким кўпроқ наф кўраётганини чамалаш қийин эмас. Бахмал туманидаги чойхонада пиширилган балиқнинг бир килограмми 3000 сўм, Жиззахда 2500 сўм, Пахтакор шаҳрида 2300 сўм, Дўстлик шаҳрида эса 2700 сўмни ташкил этаяпти. Балиқ урчиши муносабати билан расман овлаш мавсуми тўхтатилган бўлишига қарамай, Жиззах шаҳри ва чўл туманларида ҳам балиқни бемалол топиш мумкин. Пулига чидасангиз, бас. Энг асосийси, Чиноздаги балиқ бозори бир кун бўлса-да ёпилмайди...

Жиззах вилоятида учта табиий сув ҳавзаси бор. Айдаркўл, Арнасой ва Тузкон. Бироқ, ким қаерга тўр ташласа ўша жой уники бўлиб қолаяпти. Оқибат етти хазинанинг бири бўлган "луқмаи ҳалол" нопок йўллар билан истеъмолчиларга етиб келмоқда. Айни пайтда Жиззах вилоятининг бирор гўшасида балиқ билан савдо қиладиган махсус дўкон йўқ. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида келтириб ўтилган дастурида бу масала ечими аниқ белгиланган эди.

Балиқчилик муаммоларини ўрганиш жараёнида Жиззах вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг чорвачилик бўлими бошлиғи Азизқул Ҳазратқулов билан учрашдик.

-Учала кўлнинг сатҳи 205 минг гектарни ташкил этади, - дейди бўлим бошлиғи. – Ҳозир кўл сатҳини гектарларга бўлиб, тендер асосида ижарага бериш масаласи билан шуғулланаяпмиз. Айдаркўл 57 та, Тузкон 33 та, Арнасой кўли 20 та контур бўйича участкаларга бўлинди. Уларни ўн йиллик ижарага олиш бўйича фуқаролардан 68 та ариза тушди. Тендерда ютиб чиққанлар ижарага олган сув майдонларида бемалол овчилик билан шуғулланиш ва маҳсулотини сотиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Мутахассис айтган бошқа бир далил бизни ўйлантириб қўйди. Ҳар бир гектар сув ҳавзасининг унумдорлиги беш килограмм балиқ ҳисобланиб, атиги 408 сўм ижара ҳақи белгиланибди. Бу кўпми ёки оз?! Тошкентда бир килограмм пиширилган балиқнинг нархи айтиб ўтганимиздек – салкам уч минг сўмни ташкил этса. Бунинг устига бир гектардан атиги беш килограмм балиқ овланиши белгиланса. Очиғи, бу кўрсаткич кишини ажаблантиради. Украинанинг балиқчилик хўжаликларида ҳавзаларнинг ҳар гектаридан (сунъий кўлларда) 30 тоннагача маҳсулот олинади. Европа мамлакатларида эса бу кўрсаткич янада юқори. Шундай экан, бир гектар сув ҳавзаси ҳисобига атиги беш килограмм балиқ овланишини белгилаш кўзбўямачилик эмасми?

2001 йил учта кўлдан 1114 тонна, 2002 йили 1254 тонна, 2003 йили эса 714 тонна балиқ овланган. Бу расмий маълумотлар. Агар юқорида ўзимиз айтган ўғирликнинг биттасини олиб (732 кг) 365 кунга кўпайтирсак, бу 267180 килограммни ташкил этар экан. Буни 205 гектарга (кўлларнинг умумий сатҳи) бўладиган бўлсак, ноқонуний равишда бир кунда олиб кетилаётган балиқлар миқдори 13 килодан иборат бўлар экан. Бу ноқонуний равишда ов қилинганлари, унга 2003 йилда қонуний овланган 714 тоннани ҳам қўшадиган бўлсак, гектарига овланадиган балиқ янада кўпайиши аниқ.

Муаммога жиддий қарайдиган бўлсак, табиий бойликнинг ҳисоб-китоби бор. Шундай экан, балиқ заҳираларини сақлаш, кўпайтириш, гектарига олинадиган ов ҳажмини тўғри белгилаш ўринли бўлмасмикин?Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида бўлганимизда, балиқчиликнинг истиқбол дастури тайёрланаётганини айтишди. Аммо очиғини айтиш керак, Жиззах шаҳрида, туманларда балиқ билан савдо қилинадиган дўконлар ташкил этиш ва аҳолини "луқмаи ҳалол" билан тўлиқ таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилиниши лозим. Бундан ташқари, балиқларни турли касалликлардан сақлаш учун ветеринария хизмати ҳам зарур бўлади. Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш лозим. Тендерга қўйилаётган жами 110 та участкани овлаш транспортлари билан таъминлаш муаммоси ҳам ечимини топгани йўқ. Катта ҳажмдаги совутгичлар, санитария талабларига жавоб бера оладиган, тирик балиқларни сақлайдиган ҳовузлар барпо этиш зарур.

Хуллас, айтаверсак, ҳали соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар анчагина. Бу эса мутасаддилардан катта масъулият талаб қилиши шубҳасиз.

**Толибжон ЭРГАШЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 19-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2003 йили Пўлатов Бахтиёр Эркинович номига берилган O'RA № 1431157 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги саноат касб-ҳунар коллежи томонидан 2003 йили Тураев Зокиржон Эргашевич номига берилган № 066668 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ДСИ томонидан 2002 йили Юн Лариса Ивановна номига берилган даромадларни ҳисобга олиш дафтари ва чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утраченные оригинал свидетельство о включении хозяйствующего субъекта в государственный регистр предприятий и организаций, выданного Государственным Департаментом статистики от 25.01.2000 г. за № 140 и свидетельство о присвоение ИНН № 201789017, выданные Чиланзарским ГНИ г.Ташкент в акционерному обществу "Пилла" Ташкентской области, считать недействительным.

Утерянный патент №1000505, выданный хокимиятом Юнусабадского района г.Ташкента на имя ЧП "Саидходжаев Уткурходжа Риксиходжаевич", считать недействительным.

Утерянный круглый печать и угловой штамп ЧП "Саидходжаев Уткурходжа Риксиходжаевич" Юнусабадского района г.Ташкента, считать недействительным.




## ДАЪВОГАРЛАР КАМАЙГАН

***Чеченистонда муддатидан аввал президентлик сайлови кампаниялари бошлаб юборилди.***



Маҳаллий рўзномаларда келтирилишича, Чеченистон Республикаси сайлов комиссияси президентлик сайловлари жорий йилнинг 29 августида ўтказилишини баён этган.

Шу муносабат билан 25 майдан эътиборан мамлакат президентлигига талабгор номзодларга сайловолди тарғибот кампанияларини бошлашга рухсат берилди.

Сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Бувайсар Арсаханов ҳозирча биргина номзод ўз номини рўйхатга киритганини таъкидлаб ўтган.

Арсаханов сўзига кўра, 9 майда президент Аҳмад Қодиров террор қурбони бўлганидан сўнг Чеченистонда ҳукумат бошлиғи лавозимига даъвогарлик бирмунча сустлашган.

## ФРАНСИСКО УСОН ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

***Венесуэланинг собиқ молия вазири Франсиско Усон қўлга олинди. Генерал Франсиско Усон давлат тўнтариши ва президент Уго Чавесга суиқасд уюштиришга тайёргарлик кўрганликда айбланган эди. Ушбу айбловлардан сўнг у яшириниб келган.***



Венесуэла бош вазири Хосе Висентенинг сўзига кўра, собиқ молия вазири мухолифатчиларни иқтисодий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келган.

Франсиско Усон билан биргаликда 80 га яқин жангарилар ҳам қўлга олинган.

Собиқ бош вазирнинг айблари тўлиқ исботланса, унга нисбатан кўп йиллик қамоқ жазоси қўлланилиши мумкин.

## КИМ ИРОҚ БОШ ВАЗИРИ БЎЛАДИ?

***Ироқнинг бош вазири лавозимига ядро технологиялари бўйича олим Ҳусайин Шаҳристоний номзоди маъқул кўрилмоқда.***



Собиқ президент Саддам Ҳусайн бошқаруви даврида Шаҳристоний атом қуроллари ишлаб чиқаришдан бош тортгани учун қамоққа олиниб, азобларга дучор қилинган. Ҳатто, у 2003 йил CNN телеканалига интервью бериб, Саддам Ҳусайн оммавий қирғин қуролларини ерости омборларида сақлаганини баён этган.

Айни дамда АҚШ давлат департаменти Ироқ бош вазири лавозимига Шаҳристоний номзоди таклиф этилаётганини қўллаб-қувватлаган.

Шаҳристонийнинг ўзи эса бу борада ҳали қандай фикрда эканлигини маълум қилмаган.

## ШАРОН "ИШИ"

***Исроил суди бош вазир Ариэл Шаронга нисбатан қўйилаётган айбловларни тўхтатишга ҳаракат қилмоқда.***



Бундан бир неча муддат илгари Ариэл Шарон порахўрликда айбланиб келинаётган эди. Яқин Шарқдаги можаролар бирмунча жиддий тус ола бошлагач, бу ишлар ортга ташлаб келинаётганди.

Исроил бош прокурори Менахем Мазуз ҳам Ариэл Шарон "иши"ни кўриб чиқишдан бош тортиши мумкинлигини маълум қилган. Унинг сўзига кўра, тергов ишлари етарли далилларга эга эмас.

Ҳозирча бош прокуратура бу борада аниқ бир қарор қабул қилмаган, дея хабар беради Haaretz газетаси.

## КЕЛИШУВЛАР САРИ ШАҲДАМ ҚАДАМ

***Шимолий Корея ва Жанубий Корея ўртасида ҳарбий келишувлар бошлаб юборилди. Деярли ярим асрдан буён бу икки давлат мудофаа вазирлиги расмийлари бундай учрашувларни амалга оширишмаган эди.***



Учрашувнинг биринчи босқичида чегаралар дахлсизлиги, денгиз ва қуруқликдаги қуролли тўқнашувларга чек қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, 1950-53 йилларда вужудга келган можароларни бартараф этиш ва халқларни бир-бирига яқинлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга ҳам келишиб олинди.

Бундан ташқари, Сеул расмийлари Шимолий Корея мудофаа кучларини замонавий қиёфада қайта тайёрлашда ўз ёрдамини таклиф этди. Кузатувчиларнинг фикрича, икки томон ҳарбийларининг бундай учрашувлари ўртадаги тушунмовчиликларга барҳам бериши мумкин.

**INTERNET хабарлари асосида**
**Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

S.I.F. FOOD TECHNOLOGIES LTD КОМПАНИЯСИ

*Тошкентдаги улгуржи омборхонасидан қуйидаги маҳсулотларни таклиф этади:*




ЕТАКЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН ИЧИМЛИКЛАР, МОРОЖНИЙ, ҚАНДОЛАТЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ УЧУН ОЗИҚ-ОВҚАТ ИНГРЕДИЕНТЛАРИ:

Шакар ўрнини босувчи моддалар (аспартам, сахарин), ширин қилувчи моддалар (ширинлик коэффициенти 150, 200), ҳид-таъм берувчи моддалар (ичимликлар, морожний, қандолат маҳсулотлари учун), бўёқлар (қизил, яшил, индиго-кўк, бриллиант, сансет, кола), функционал қўшимчалар (натрий бензоат, аскорбин кислотаси, сорбин кислотаси).

АЛКОГОЛСИЗ ВА АЛКОГОЛЛИ (СПИРТЛИ) ИЧИМЛИКЛАРНИ ҚУЙИШ УЧУН ЕТАКЧИ ИТАЛИЯ КОМПАНИЯЛАРИНИНГ УСКУНАЛАРИ

*Бизнинг барча маҳсулотларимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида истеъмол қилинишига расман рухсат этилган, гигиеник сертификат ва мувофиқлик сертификатига эга.*

Қалбакилаштирилган озиқ-овқат қўшимчаларидан фойдаланишдан эҳтиёт бўлинг.
Тўловлар исталган шаклда амалга оширилади.

**Тел.: 173-53-56, Тел/Факс: 173-53-57, e-mail: siftech@sarkor.uz**
**Тошкент, Қатортол кўчаси, 60-уй.**

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "Trastkabelsavdo" МЧЖ тугатилмоқда. Даъволар эълон чоп этилган санадан бошлаб икки ой муддат ичида қабул қилинади. Тел: 148-02-92, 48-02-92.

ООО "Ўрама Кулча" г.Ташкента, сообщает, что 20 июня 2004 года состоится общее собрание учредителей, с повесткой дня: "Вопрос о продаже гос.доли".

Утерянный гос.ордер № 04-02/14158 от 24.02.93 г. права собственности Маяевский Вячеслав Николаевич на квартиру, считать недействительным.

**"Давинком" Давлат инвестиция фирмаси томонидан давлат активлари эркин муомаладаги валютага биржа савдосига чиқарилаётган акциядорлик жамиятларининг рўйхати**

| № | Ҳудуд | Тармоқ ва акциядорлик жамияти номи | Низом жамғармаси (сўм) | Номинал (сўм) | Савдога қўйилаётган акциялар сони (дона) | Низом жамғармасидаги ҳиссаси (%) | 1 дона акция баҳоси, АҚШ доллари | Бошланғич таклиф баҳоси, АҚШ долларида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ҳокимиятлар | | | | | | |
| 1 | Тошкент шаҳри | <Toshuyjoyloyiha> | 237 838 000 | 1 000 | 227 135 | 95,50 | 1,03 | 233 959,05 |

**"Давинком" Давлат инвестиция фирмаси томонидан давлат улуши ва давлат активлари эркин биржа савдосига чиқарилаётган акциядорлик жамиятларининг рўйхати**

| № | Ҳудуд | Тармоқ ва акциядорлик жамияти номи | Низом жамғармаси (сўм) | Номинал (сўм) | Савдога қўйилаётган акциялар сони (дона) | Низом жамғармасидаги ҳиссаси (%) | Бир дона акция баҳоси, (сўм) | Бошланғич таклиф баҳоси, минг сўмда |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ўзавтомобил ва сув транспорти агентлиги | | | | | | |
| 1 | Тошкент шаҳри | <3-Son Avtokombinat> | 48 692 000 | 100 | 121 730 | 25,00 | 2 334,80 | 284 215,20 |

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-38-69, 136-11-65, 132-07-32

ЦИНК 1036,2 ▼ -4,6 | МИС 2669,6 ▼ -100,3 | СУПЕРФОСФАТ 55,9 0 | АММОФОС 231,4 ▼ - 0,3 | нарх белгилари ▲ + кўтарилган; ▼ - пасайган; + 0,0 неча сўмга. УзРТСБ Котировкалар сўм/кг (ўртача нархлар)

ИБРАТ

# Исковотлик спортсеварлар



***Ҳар бир юрт довруғини унинг спорти дунёга таратиши рост. Бугун исковотлик волейболчи қизларни, улар қўлга киритаётган муваффақиятларни мамлакатимизда жуда яхши билишади. Шу қишлоқдаги бошқа мактаблардан унча фарқ қилмайдиган 26-мактабнинг оддийгина қизлари мана уч йилдирки, республика миқёсидаги "Умид ниҳоллари" мусобақаларида энг яхши натижаларга эришмоқда. Ўтган йили эса исковотлик волейболчи қизлар кўпгина спорт мусобақаларида олтин ва кумуш медалга сазовор бўлиш билан бирга "Энг миллий, энг аҳил жамоага" совринини ҳам қўлга киритиб, мукофот сифатида эса компьютер билан тақдирланишди.***

-Шуниси қувончлики, - дейди волейболчи қизлар мураббийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Исмоилхўжа Асадов, - бу қизларимизнинг ҳаммаси ўтган йилнинг ўзида Наманган иқтисодиёт институти талабалари бўлишди. Эндиликда улар Самарқандда ўтадиган "Универсиада" беллашувларига ҳозирлик кўришмоқда.

Исковотда азалдан спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор бериб келинади. 26-мактабнинг тиниб-тинчимас спортчи қизлари охирги ўн икки йил ичида спортнинг турли йўналишлари бўйича 9 марта вилоят чемпиони бўлди. Республика бўйича 4 марта иккинчи ўринни олди. 170 дан зиёд йигит-қиз вилоят, республика миқёсидаги спорт беллашувларида олтин, кумуш, бронза медалларини қўлга киритишди.

Исмоилхўжа ака ҳомийлар номини ҳам фахр билан тилга олди.

-Спорт залларимизни турли спорт анжомлари билан таъминлашда, терма жамоамизни узоқ-яқиндаги мусобақаларга олиб боришда, ғолиб спортчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришимизда ҳомийларимизнинг хизмати катта, - дейди мураббий.

Эзгу ишлар, қувончли натижалар таъсири ўлароқ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси буюртмаси асосида Исковот марказида барча қулайликларга эга бўлган замонавий спорт мажмуаси қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.

-Мажмуа қурилишига жамғарма томонидан 160 миллион сўм маблағ ажратилган, - дейди бу ерда бунёдкорлик ишларини олиб бораётган "Намангансувқурилиш" ОАЖга қарашли 7-механизациялашган кўчма шўъба корхонаси бошлиғи Шухратжон Раҳматуллаев. – Ҳозирда минг ўринли марказий трибуна, стадион, спортчилар, тренерлар учун хоналар, меҳмонхона, баскетбол, волейбол майдонлари қурилишини жадал олиб боряпмиз. Бу ишларни йилнинг биринчи ярмигача ниҳоясига етказиш ҳаракатидамиз. Ундан кейин мажмуанинг иккинчи навбати бассейн қурилиши назарда тутилган.

Бугун Исковот довруғи спортсеварлар қишлоғи сифатида Наманган оша бутун мамлакатга таралмоқда. Бу ерда жаҳон миқёсидаги спорт мусобақалари ўтадиган кунлар яқин, деб ўйлаймиз.

**Ортиқали НОМОЗОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

(Боши 1-бетда)

# Замонавийлик - тараққиёт асоси

Бажарилаётган юмушлар хусусида мазкур туман халқ таълими бўлими мудири Фарҳод Ибодуллаев бизга ўз фикрларини билдирди.

-Айни пайтда бўлимимиз тасарруфидаги 64 та умумтаълим мактаблари, 13 та боғча-мактаб, 7 та иқтидорли болалар мактаблари, 4 та мактабдан ташқари муассаса, 12 та болалар боғчаларида салкам 30 минг нафар ўғил-қизлар таълим-тарбия олмоқда. Уларга таълим-тарбия беришда 2655 нафардан ортиқ тарбиячи ва педагоглар фаолият олиб бормоқда.

Таълим-тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар, тарбиячилар билим савияси, малакасини ошириш, янги типдаги ўқув масканларини ташкил қилиш, спорт ва самарадорликни оширишга доимо эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 17 та мактабларда компьютер синфлари, 22 тасида лингафон хоналари мавжуд бўлиб, улар малакали кадрлар билан таъминланган. 40 та мактабларда иккинчи синфдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти, хорижий тиллар, математика, кимё, биология, тарих-география фанларидан чуқур билим берадиган ихтисослаштирилган синфлар ташкил қилиниб, минг нафар ўқувчилар жалб қилинган.

Албатта, таълим беришда ўқувчилар билим даражасини ошириш жуда муҳимдир. Бунинг учун эса ўқитувчилар малакаси, билими ҳам юқори бўлмоғи лозим. Шу мақсадда ўтган йили салкам 300 нафар педагог-тарбиячилар малакаларини ошириб келдилар ҳамда билим ва тажрибаларини ўз мактабларида жорий қилишмоқда.

Таълимнинг яна бир жиҳати – иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш, уларга чуқурлаштирилган ўқув дастури асосида билим беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда Бўстон шаҳри, Сарибий, Амиробод, "Қирққизобод", Гулдурсин, Қиличинок овулларида фаолият кўрсатаётган 7 та истеъдод мактабларига 5-синфдан танлов асосида қабул қилинган 1475 ўғил-қизларга 125 нафар тажрибали, юксак савияли устозлар таълим-тарбия бермоқда.



Ўсиб келаётган ёш авлодни келажаги буюк Ўзбекистон давлатини барпо қилишга муносиб ватанпарварлар, комил инсон қилиб тарбиялаш ғоят мураккаб ва масъулиятли вазифадир. Буни бугун туманимиздаги барча устозлар дил-дилдан англашади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, аксар муаллимлару тарбиячиларимиз ўз касбининг ҳақиқий фидойиларидир.

**Суҳбатдош: Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

ТАКЛИФ

## ТЕАТР: Сув ва ҳаводек зарур

***Навоий вилоятида фаолият олиб бораётган иккита театрнинг бири Навоий шаҳрида, бири Томди тумани марказида жойлашган. Бундан ташқари, Навоий шаҳрида ёш томошабинлар ва ҳаваскорлар рус тилида томошалар намойиш этадиган театр ишлаб турибди.***

Бироқ, улар кичик ижодий жамоалар учун мослаштирилган биноларда фаолият юритмоқда. Сирасини айтганда, вилоятда театр очиш имкониятлари мавжуд. Соҳа бўйича кадрлар ҳам етарли. Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтини битириб келган ўндан ошиқ мутахассислар Навоий шаҳрида яшашади. Шунингдек, туманлардаги санъатсеварлар 25 кишидан ортиқ бўлиб, улар турли соҳаларда ишлаб юрибди. Уларни театрга жалб этиб, янги-янги саҳна асарларини намойиш этиш зарур.

Навоий шаҳрида рус ва миллий ўзбек тилида асарлар саҳналаштириш имкониятлари бор. Бу ерда турли миллат вакиллари мавжудлиги сабабли бир кун рус тилида, бир кун ўзбек тилида театр томошалари намойиш этиш имконияти мавжуд. Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган маданият ва санъат коллежида ҳам театр гуруҳи очилган. Қисқа муддатда бу гўшада 2-3 та спектакл намойиш этилди. Ёшларда етарли маҳорат бор. Талабалар томонидан яқинда намойиш этилган "Замоннинг синган ойнаси ёхуд ўзимизнинг "Қирол Лир" номли ҳаётимизда учраб турадиган бугунги кун муаммоларини ўзида акс эттирган саҳна кўриниши томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Вилоятга санъат даргоҳи керак! Театр миллий ғояларни, қадриятларимизни тарғиб этади. Республика театрларининг гастроллари йўқ ҳисоби. Шу ўринда бир воқеага тўхталиб ўтишни лозим кўрдик. Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари боши эди. Нурота туманидаги Мозор қишлоғида Ўзбекистон халқ артисти Муҳиддин Қори Ёқубов бошлиқ труппанинг концерти бўлди. Биз болалар санъат сеҳрининг қай даражада улкан эканлигини мурғак қалбимиз билан англадик. Ахир халқнинг бу улкан санъаткори республиканинг тоғли туманига қандай машаққатлар билан келганлигини ўша даврдаги поезду от-арава воситаларидан фойдаланишлари аниқ. Бу ҳолатни ҳозирги шодумон кунларимизга таққослаб кўринг. Ҳақиқий санъат бу фидойилик ва қаҳрамонликдир.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ**




### НОМЗОДЛАР САРАЛАНДИ

***Тошкент вилоятининг Бекобод туманида ёшлар ўртасида бокс бўйича турнир ўтказилди.***

1987-1989 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ташкил этилган ушбу баҳсларга Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан таклиф этилган спортчилар 14 вазн тоифасида ғолиблик учун баҳс олиб боришди. Ғолиб ва совриндорлар орасидан терма жамоага номзодлар саралаб олинди.

### ЯПОНИЯДАН АФИНАГА

***Японияда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Афинада ўтадиган ёзги Олимпиадага йўлланма берувчи халқаро турнир бўлиб ўтди.***

Унда мамлакатимиз спортчилари ҳам қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди. Мусобақаларда қатнашган спортчиларимиздан Антон Ряхов, Александр Бойжонов, Дмитрий Стрешновга шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллаш насиб этди. Аёллар баҳсида ҳамюртимиз Надежда Пишулина иккинчи ўринни эгаллади. Эндиликда ғолиб бўлган мамлакатимиз вакиллари ёзги Олимпиада мусобақаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

### МАҒЛУБ БЎЛДИ, ЛЕКИН...

***Футбол бўйича Испания премьероси ҳам якунланди. Лекин бу мавсум ўзининг таркибини жаҳон юлдузлари билан тўлдириб олган "Реал" учун муваффақиятсиз якунланди.***



Мавсум бошида учта мусобақани ютишни ўз олдига қўйган жамоа охир-оқибат Ла-Лигада ҳам совриндорлар қаторидан жой тополмади. Сўнгги турда ҳам ўз майдонида "Реал Сосьедад"дан қақшатқич зарба еган (1:4) "Қироллик клуби" тўртинчи ўринни эгаллади. "Валенсия" чемпионликни уч тур олдин ҳал қилиб бўлганлиги боис, сўнгги турда асосий кураш кумуш ва бронза медаллар учун кечди. "Барселона" "Сарагоса"дан мағлубиятга (1:2) учрашига қарамай, иккинчи ўринни қўлга киритди. "Депортиво" эса Пандиани нинг ягона голи эвазига "Расинг"дан устун келиб, учинчи ўринни қўлга киритди. Кучлилар сафини эса "Вальядолид", "Сельта" ва "Мурсия" тарк этди. Тўпурарлар рўйхатида "Реал" ҳужумчиси Роналдо ғолиб чиққан бўлса-да (24 гол), унинг голлари жамоасини совриндорлар рўйхатига тушиши учун камлик қилди.

### ФРАНЦИЯ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ

***Roland Garros кортларида ўтаётган теннис бўйича Франция очиқ чемпионати биринчи давраси якунланди.***



Биринчи давра беллашувларида италиялик Потито Старачега қарши кортга тушган россиялик анча тажрибали ракетка устаси Дмитрий Турсунов кутилмаганда рақибига имкониятни бой бериб қўйди. Яна бир россиялик теннисчи Марат Сафин эса аргентиналик



Аугустино Кальерини уч сет натижасига кўра кортдан бош эгиб чиқишга мажбур қилди.

Аёллар ўртасидаги баҳсларда ҳам Россия вакиллари муваффақиятли иштирок этишмоқда. Светлана Кузнецова, Елена Бовина, Мария Кириленко кейинги босқич масаласини ҳал қилишган бўлса, икки ҳамюртлар Елена Лиховцева ва Алена Жидкова баҳсида Алена нинг омади чопмади.

### "МИЛАН"НИ ТАРК ЭТМАЙДИ

***Украина терма жамоаси ва "Милан" ҳужумчиси Андрей Шевченко "Челси"га ўтмайди.***

Бу ҳақда Андрейнинг жамоадоши Каха Каладзе Грузия ва Исроил терма жамоаларининг Тбилисидаги ўртоқлик учрашувидан олдин маълум қилди. Бундан сал олдин "Челси" хўжайини Роман Абрамович "Милан" раҳбарлари билан ҳужумчини сотиб олиш ҳақида мулоқот олиб борганди. Лекин Шевченконинг ўзи бунга норозилик билдиргандан сўнг россиялик миллиардер бу масалани очиқ қолдирганди. Агар Абрамович ҳужумчининг "Челси"га ўтишига 20 миллион фунт стерлинг таклиф қилганини ҳисобга олсак, бу Лондон жамоаси учун ушалмайдиган орзу бўлиб қолиши аниқ.

### КАРЛОС "ЧЕЛСИ"ГА ЎТМОҚЧИМИ?..

***Испаниянинг "Реал" клуби спорт директори Хорхе Вальдано бразилиялик ҳимоячи Роберто Карлосни "Челси"га сотишга жамоа рози эканлигини маълум қилди.***

Лондон клуби ҳимоячиси учун 20 миллион фунт стерлинг тўламоқчи ва бу пуллар



учун кафолат қоғозини жўнатишини, "Қироллик клуби" кутмоқда.

Карлосга Роман Абрамович ҳафтасига 120 минг фунт стерлинг маош ваъда қилган. Футболчининг ўзи эса ҳали бирон бир маълумотга ойдинлик киритмади. Унинг сўзларига қараганда, тақдири яқин йигирма кун ичида ҳал бўлади ва бу ишлар бўйича адвокатлар ва агентлари шуғулланаётгани ҳамда ўзи ҳозир дам олмоқчи эканлигини маълум қилди. "Реал" президенти Фларентино Перес эса ҳали Карлос билан бир йиллик шартнома борлигини, агарда у кетишни хоҳласа, у билан музокара олиб бормоқчи эмаслигини айтиб ўтди. Перес ҳимоячининг жамоани тарк этишини янги бош мураббий Хосе-Антонио Камачо хоҳламаётганлигини ҳам Испаниянинг Antenna 3 телеканалида берган интервьюсида ошкор этди.

**INTERNET хабарлари асосида Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Шофиркон туманидаги "Вардонзе" ўзбек – турк қўшма корхонасида "Қоракўлтекс" қўшма корхонасидан буюртма асосида мато олиб, спорт кийимларини тикиш йўлга қўйилди.***

## «ВАРДОНЗЕ» ЛИБОСЛАРИ

Шу кунга қадар бу ерда 11 хилдаги бир ярим минг жуфт спорт кийимлари тайёрланди. Спорт билан мунтазам шуғулланувчиларга мўлжалланган мазкур либосларнинг фасони жаҳон талабларига жавоб бера оладиган шаклда бўлиб, аёллар учун тикилган либосларда миллий урф-одатлар ҳам эътиборга олинган.

Хуллас, «Вардонзе» либослари ўзининг бежиримлиги ва сифатлилиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда.

**И.ИБРОҲИМОВ**

МАЪНАВИЯТ

# Китобхонлар қувончи

***Бувайда туманида китоб байрами бўлиб ўтди. "Меҳр ва мурувват йили"да ўтган бу тадбирда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги деярли барча нашриётларнинг масъул ходимлари қатнашишди. Туманда яшайдиган 108 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 2 миллион 310 минг сўмлик дарсликлар, бадиий китоблар, турли ўқув қуроллари совға қилинди. Вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларга 1200 номдаги ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий йўналишдаги китоблар тақдим этилди.***

Тумандаги касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган тадбирда "Ўзбекистон", "Ўқитувчи", "Чўлпон", "Меҳнат", Ғафур Ғулом номли, Ибн Сино, "Маънавият" нашриётлари, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, "Ижод дунёси" нашриёт уйи ўзлари чоп этган турли мавзудаги турфа хил китоблар кўргазмасини намойиш этишди. Шу куни Бувайдада куни кеча 50 йиллиги кенг нишонланган машҳур шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг "Ижод дунёси" нашриёт уйида чиқарилган "Улуғимсан, Ватаним" тўпламининг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

Бундай китоб байрами беш йил аввал Андижон шаҳрида бўлиб ўтган эди. Бу галги байрам учун айнан Фарғонанинг бир тумани – Бувайда танланиши ҳам тасодифий эмас.

Тумандаги "Дўстлик" ширкат хўжалигининг Патилахон Эргашева бошлиқ пудратчилар ўртасидаги учрашувни "Ижод дунёси" нашриёт уйининг директори Жаббор Раззоқов олиб борди. Бу ерда "Чўлпон" нашриёти директори Маҳмуд Тўйчиев, Ғафур Ғулом номли нашриёт бош муҳаррири Назира Жўраева, "Ўзбекистон" нашриёти бўлими мудири Турғун Назаров, Ибн Сино нашриёти директори Бахтиёр Омонов, Республика телевидениесининг бўлим бошлиғи Камол Матёқубов, "Китоб дунёси" газетаси бош муҳаррири Гулчеҳра Муҳаммаджон қизи, "Ғунча" журнали бош муҳаррири Ёқут Раҳимова ва бошқалар китобхонларни янги чиқаётган адабиётлар, нашриётларнинг иш режалари, китоб чиқариш жараёнлари билан яқиндан таништирдилар. Дала меҳнаткашларини қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

**Ортиқали НОМОЗОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Чавандоз руҳ

(Боши 1-бетда).

Шунинг учун ҳам биз жасадимиз қабрга қўйилиб, "марҳум қандай одам эди?", деган савол ўртага ташланаётганда, аҳли замоннинг "яхши одам эди!", деб бериладиган жавобларидан умидвормиз. Шунинг учун ҳам биз ўлимдан ҳам кўра кўпроқ унутилишдан қўрқамиз... Халқимиз бекорга "умринг узоқ бўлсин", деб алқамайди, бехудага "отинг ўчгур", деб қарғамайди...

...Шунинг учун ҳам душманларимиз бизларни хотирамиздан маҳрум қилмоқчи бўладилар: қабрларимизни топтайдилар, китобларимизни ёқадилар, олимларимизни, шоирларимизни ўлдирадилар, тилимизни, дилимизни қатағонларга гирифтор қиладилар.

Ёмон тинч-тотувлик яхши жанжалдан афзалдир, деган нақл бор. Биз ўтган асрнинг иккинчи ярмидан кейин, майли, бирмунча ёмон бўлса ҳам, бир тотувликни ўргандик. Бу тотувлик инсониятнинг коинотга қўйилган қадамлари, умумжаҳон алоқа воситаларнинг ақл бовар қилмайдиган даражада такомиллашуви, жаҳон илм-фанининг девқадам тезликларда илгарилаб кетишлари ҳамда... экологик фалокатлар, денгизлардан жудолик, терроризм, турли хил чиқиндиларнинг касофатидан атмосфера озон қобиғининг шикастланувчи, атом портлашлари-ю атом энергиясининг тинчлик мақсадларига хизмат қилдирилиши ва бунинг оқибатида келиб чиққан Чернобил фалокати ҳамда шу сингари аҳли башарнинг бахтдан фахрлантиргудек, ор-номусдан ўлдиргурдек муваффақият ҳамда инқирозлари билан якун топди. Одамлар, юқорида эслатганимиз, ўз оналари бўлмиш Тинчликка хиёнат қилиб, замин шарини порох бочкасига айлантириш учун қўлидан келадигану келмайдиган ҳамма қилғиликларни амалга ошириб бўлдилар.

Назаримда, одамзод ўзига ҳаёт ато қилингани учун барча эзгуликларни кашф этган. Мана шу эзгуликларни амалга ошириб, Аллоҳга шукроналар айтишгача келиб етган. Бироқ ана шу умрнинг, ана шу муборак ҳаётнинг ўзига мангуга армуғон қилинмагани учун аламидан шайтони лаин раҳнамолигида ёвузликларни ўйлаб топган, иблис билан иттифоқ тузиб, ана шу ёвузликларни амалга ошириш даражасигача тубанлашувга бориб етган. "Анча бўлди, биринчи муҳаббатимни эсламабман, ташвишу ғавғолар миямни шу қадар чирмаб олибдики, тирикчилик "шумғия"лари борлиғимни чирмаб олибди, - деди яқинда бир дўстим, – ҳолбуки мен илк дафъа кўнгил қўйган қизим шу даражада мусаффо эдики, унинг бошига ўраган рўмолини жойнамоз қилиш мумкин эди". Мен атайлаб, дўстимдан бу муҳаббатнинг тарихини сўрамадим. Чунки, аксар, биринчи муҳаббатлар эзгуликка ғаним бўлган иллатларга қарши курашларда ҳалок бўладилар. Улар, аксар, уруш қурбонларига ўхшайдилар. Демак, бизлар тўққизинчи майни шаҳид кетган илк севгиларимизни хотирлаш байрами сифатида нишонласак ҳам арзийди. Чунки одамзод севаётиб ҳам мангуликка интилади. Ўз вужуди билан бўлмаса-да, ўз наслининг вужуди билан ҳаёт учун жангни давом қилдиради. Рашкнинг аёвсиз бўлиши ҳам, аслида, шундан. Икки юракнинг ҳамнафас ҳаётига раҳна солмоқчи бўлаётган учинчи куч ана шу жуфт-юракнинг мангу ҳаёт умиди ҳаётини хавф остида қолдираётган бўлади. Мана шу жиҳатни бемиқёс улканлаштирсангиз, бир халқнинг иккинчи халққа ҳаётни раво кўрмаётганлигидан келиб чиқаётган урушларнинг моҳияти ўзининг жирканч башараси билан намоён бўлади. Ваҳоланки, Ҳолиқи Аллоҳ наинки бир одамни бир халқни, балки оддий бир кўкатни ҳам не бир ниятлар билан бунёд этган. Бу оддий кўкат, бу хашаки гиёҳ бизнинг назаримиздагина оддийдир. Аслида бу мўъжиза. Ва уни одамларга англатиш учун "Ҳар бир япроқ Аллоҳ маърифати битилган китобнинг бир варағидир", деб хитоб қилган Шайхи Саъдийдек донишманд бир зот бўлиши керак. Бир япроқки, шундай экан, ана энди сиз ёд қилиниши керак бўлган ҳар бир инсоннинг нақадар ҳайбатли мўъжиза эканлигини кўз олдингизга келтираверинг.

Тинчликни инсониятнинг онаси деган эдик. Шунда урушни қандай таърифлашимиз керак? Қаранг, бу вазифани немис файласуфи Август Эйнзидел қандай қойилмақом қилиб адо этибди. Ўқинг, у нима деб ёзади: "Одамзодни еб қўйиш учун ўлдириш ҳам уни урушда ўлдиришга қараганда табиийроқ ва оқилонароқдир".

"Ғалабалар қозониш энг аҳмоқона машғулотдир, енгиш эмас, ишонтириш шон-шарафга муносиб ишдир".

Ўз мақоламизни иқтибослар мажмуасига айлантириш ниятимиз йўқ. Бироқ Виктор Гюгонинг юқоридаги фикрини келтираётганлигимизнинг қўрқинчли бир сабаби бор. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган неча ўн миллионлаб шаҳидлар бутун инсониятни урушларнинг одамхўрликдан ҳам жирканчроқ бир иш эканлигига ишонтириш учун берилган қурбонлардир. Чунки шайтон васвасаси домига тушган аҳли башарни қуруқ гаплар билан ишонтириб бўлмайди.

Уруш – дард.

Тинчлик даводир.

Инсон заковати бўлса ана шу муолажани амалга оширадиган ҳакимдир.

Дадил айтиш мумкин: жанглар жанг эмас, яхшиларни ёд этиш жангдир. Жаҳон халқларининг яхшилик ва яхшилар тўғрисидаги фикрлари шу қадар хилма-хил ва қарама-қаршики, шунинг учун ҳам бу жанг – душманга қарши жанг эмас, бир фикрга келиб олиш учун шайтон васвасасига қарши эълон қилиниши керак бўлган жангдир. Бу жангда, иншооллоҳ, мағлублар бўлмайди, фақат ғолиблар бўлади. Чунки, эзгулик салтанати шундай бир салтанатки, унда фуқаролар йўқ, фақат шоҳлар бордир. Бу жангда ўқлар отилмайди, яхшилар ёд этилади. Ва ҳар бир муносиб хотирлаш одамларнинг бир-бирларига армуғон этаётган тожу тахтларидир.

Динлар, ғоялар, миллатлар, дунёқарашлар кўп. Майли ҳар бир миллат, ҳар бир дин аҳли ўз ҳаёти, ўз байрамини ўтказсин ва бу байрамлар ёвузлик билан суғорилмаган, инсон ҳаётига, шахсга қарши қаратилмаган бўлса, муборак лар бўлсин...

Биз эзгуликни ардоқлаш учун ёвузликни эслашга ҳам маҳкуммиз. Ҳар бир одам, агар у жанг пайтида, жанг майдонида туғилса ҳам, тинчлик фарзандидир. Чунки ҳеч бир одам жанг пайтида жанг майдонида онасининг бўйида бўлиб қолмайди. Шунинг учун ҳаммамиз ҳам биродарлармиз. Ҳаммамизнинг онамиз Тинчликдир. Шунинг учун ҳам урушларни келтириб чиқараётганлар ўз онасининг қотилидир. Шунинг учун ҳам 9 Май нафақат жангда ёки фронт ортида ва меҳнат майдонларида ҳалок бўлганларнинг хотира куни, айни пайтда Ҳаёт байрамидир. Ҳеч қачон енгилмайдиган, ҳар бир шаҳид билан ҳалок бўлиб, ҳар бир фарзанд билан туғилиб турадиган Тинчликни ёд этиш байрамидир.

...Туш кўраман. Отингизни етаклаб чиқасиз. Эгар-жабдуқларни созлаб, айилни тортасиз. Сувлиқни кийгизасиз. Уйга, уйдагиларга яна бир қур иссиқ кўз ташлаб оласиз-да, оёқни узангига қўясиз...

Тўхтанг. Иккинчи от қани?

Чавандоз Руҳ қаерда?

Шошманг. Сабр қилинг...

Олис авлодларни мангулик жанггоҳларида, абадиятнинг уч-қири йўқ саҳроларида пойи-пиёда қолдириб кетмоқчимисиз?

Терга ботиб уйғонаман.

Сиз бу мен эмасмидим?

**Матназар АБДУЛҲАКИМ, "Қишлоқ ҳаёти"нинг Хоразм вилоятидаги ижодий гуруҳи аъзоси, шоир.**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Хабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83 (факс): 133-09-93. (факс): 133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-322-25; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Ш.ОРТИҚОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-421, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади -11114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5